

ХУДУДЛАРДА ВЕЛОТУРИСТИК МАРШРУТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ЗАРУРИЯТЛАРИ ВА ИМКОНИАТЛАРИ (САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Аннотация: янги туристик маршрутлар ишлаб чиқиш, актив туризм турларини ривожлантириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Актив туризм турларидан бири бўлган велотуризм ҳозирда кўпчилик туристлар таркибини қизиқтириб, уларни доирасига бирлаштирмоқда. Ушбу турнинг асосий элементи ҳисобланган велосипедда ҳаракатланиш эса спорт, рекреация, мароқли дам олиш ва туризм фаолиятининг энг барқарор шаклларида биридир. Велотуризм саёҳатчиларга ажойиб пейзажлардан йўл-йўлакай баҳраманд бўлиб ўтиш, шу билан биргаликда саёҳат давомидаги вақтни спорт машғулотли билан ўтказиш имкониятини беради. Шунинг учун велосипеддан нафақат узок масофаларни яқин қилишда, балки туризмни ривожлантиришда ҳам фойдаланиш мумкин. Велотуризм жаҳон туризм бозорининг тез суръатларда ривожланаётган салоҳиятли турларидан бири бўлиб, мамлакат ва ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатадиган ҳамда табиат ва атроф-муҳитга минимум зарар етказадиган саргузашт тур ҳисобланади. Мақолада COVID-19 вирусининг дунё туризм бозорига кўрсатган салбий таъсири келтирилган бўлиб, пандемия давридан сўнг туристларни жалб қилиш мақсадида хорижий мамлакатларда жадал суръатларда ривожланаётган велотуризмни мамлакатимизда ривожлантириш долзарблиги келтирилган. Шунингдек, мазкур мақолада велотуризм бўйича олинган онлайн ижтимоий сўровнома натижалари ва Самарқанд вилояти бўйлаб ишлаб чиқилган велотуризм маршрутларнинг тавсифини келтириш асосида вилоятда велотуризмни ривожлантириш истиқболлари баён этилган.

Калит сўзлар: Бутунжаҳон туризм ташкилоти, туризм, пандемия, велотуризм, велотурист, веломаршрут, онлайн ижтимоий сўровнома, респондент.

Кириш

Сўнги йилларда дунё мамлакатлари иқтисодиётининг интеграцияси ва глобаллашуви жараёнида ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб келаётган туризм соҳаси бугунги кунга келиб барқарор ўсиш суръатларини намоён этолмаётган соҳалардан бирига айланди. Бунинг асосий сабаби 2019 йилнинг декабрь ойида Хитойнинг Ухань шаҳрида илк маротаба қайд этилган ва тез орада бутун дунёга тарқалиб, пандемия номини олган коронавирус ҳисобланади. COVID-19 пандемияси макро даражада барча соҳаларга салбий таъсир кўрсатаётган бўлиб, энг катта зарарлардан бири туризм ва меҳмондўстлик индустриясида сезилмоқда. Минтақалар ва давлатлараро авиаташувларнинг тўхтатилганлиги, мамлакатларда карантин режимининг жорий этилганлиги, халқаро даражадаги конференциялар, учрашувлар ва спорт мусобақаларининг қолдирилганлиги туризм соҳасининг ривожланишига тўсиқ бўлмоқда.

Бутунжаҳон туризм ташкилотининг берган маълумотларига кўра, пандемия сабабли 2020 йилда халқаро туристлар ташрифининг 60-80 % га пасайиши, халқаро туристик хизматлар экспортининг 910 миллиард АҚШ долларидан 1,2 триллион АҚШ долларгача қисқариши кутилмоқда [1, б.1]. Дунё саёҳат ва туризм Кенгашининг башоратларига кўра, пандемия туфайли туризм индустриясидаги 100 миллиондан кўпроқ ишчи ўринларининг йўқолиши кузатилади [2, б.1]. Шундай экан пандемиядан кейин туризм соҳасини жадал ривожлантириш, янги туристик йўналишларни очиш, жозибador туристик маршрутлар яратиш, фаол туризм турларини ривожлантириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Фаол туризм турларидан бири бўлган велотуризм ҳозирда кўпчилик туристлар таркибини қизиқтириб, уларни ўз тур доирасига бирлаштирмоқда. Велотуризм спорт, рекреация, мароқли дам олиш ва туризм фаолиятининг энг барқарор шаклларида бири бўлиб, экологик жиҳатдан хавфсизлиги ва кам ҳаражатлилиги билан бошқа туризм турларидан кескин фарқ қилади. Велотуризм саёҳатчиларга ажойиб пейзажлардан йўл-йўлакай баҳраманд бўлиб ўтиш, шу билан биргаликда саёҳат давомида вақтни спорт машғулоти билан ўтказиш имкониятини беради. Бу муқобил транспорт воситаси экологик жиҳатдан хавфсизлиги ва кам ҳаражатлилиги билан бошқа транспорт воситаларидан кескин фарқ қилади. Кўпчилик дунё мамлакатларида велосипеддан кунлик эҳтиёжлар учун масофаларни босиб ўтишда фойдаланилса, аксарият мамлакатларда ҳалигача бу муқобил транспорт воситасидан самарали фойдаланилмапти.

Адабиётлар таҳлили

Ҳозиргача велотуризмга кўплаб олимлар томонидан турлича таърифлар берилган. Айрим олимлар қисқагина қилиб велотуризмни “яхши даромад келтирадиган ва табиий муҳитга зарар етказмайдиган туризм тури” деб таъриф берсалар, бошқалар эса “бу туризм турини ўрганишнинг иложи йўқ” дея таъкидлаганлар.

Бутунжаҳон туризм ташкилотининг фикрига кўра, “Велотуризм – тез ўсиш суръатига эга бўлган саргузашт излаб саёҳат қилувчи туристлар учун мотив бўлиб, ҳудудга кам салбий таъсир кўрсатади ва юқори даромад келтиради” [3]. Ғарбий Австралиянинг The Munda Biddi Trail нотижорат ташкилотининг берган таърифига кўра, “велотуризм деганда рекреация мақсадида маълум ҳудудга бир кунлик ёки бир неча ташриф тушунилиб саёҳатнинг асосини велосипед ҳайдаш ташкил этади” [4]. Бундан ташқари, Буюк Британиянинг The Sustrans номли барқарор транспорт ташкилотининг фикрига кўра, “Велотуризм – ҳордиқ чиқариш мақсадида кунлик ёки бир неча кунлик уйдан узокда бўлган ҳолда, муҳим ва фундаментал транспорт воситаси сифатида велосипедларда ҳаракатланиш” дея таъриф беришган [5, б.1]. Европа Парламенти берган таърифга кўра, “велотуризм – ҳордиқ чиқариш мақсадида дестинациялар бўйлаб велосипедда ҳаракатланиш демакдир” [6].

Россиялик олим Алина Николаевна велотуризмга қуйидагича таъриф берган: “Велотуризм – фаол дам олишнинг оммабоп кўринишларидан бўлиб, кичик сафарлар ва экскурсиялардан тортиб мураккаб велосипед саёҳатларини ўз ичига олади” [7, б.3].


Португалиялик олимлар эса велотуризмни бевосита экологик туризм каби табиий ресурслардан фойдаланиши, уларни сақлашга хизмат қилиши, маҳаллий аҳолининг ижтимоий-маданий жиҳатдан ўзига хослигини ҳурмат қилишини ва ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшишини инобатга олган ҳолда велотуризмни қуйидагича талқин қиладилар (1-чизма).



1-чизма. Велотуризм тушунчасининг талқини [8, б. 191-200]

Велотуризмга берилган таърифлар ичида Жанубий Австралия Туризм Комиссияси (The South Australian Tourism Commission) томонидан берилган таъриф энг мақбул саналади. Комиссия ўзининг 2005-2009 йиллардаги “Велотуризм стратегияси”да велотуризмга қуйидагича таъриф келтирилган: “Велотуризм деб инсонларнинг дам олиш, рекреация, спорт, ҳордиқ чиқариш ва бошқа мақсадларда бир кунлик ёки бир неча кунлик велосипед ҳайдашлари давомида бошқа туристик ҳудудларда тунаб қолиши ёки веломусобақаларни томоша қилишга бориши тушунилади” [9].

Ўз-ўзидан маълумки велотуризмнинг истеъмолчилари велотуристлар саналади. Велотурист тушунчасига машҳур олим, туризм мутахассиси, профессор Brent Ritchie томонидан берилган таъриф бевосита 1991 йилда БТТ томонидан туристга берилган таърифдан келиб чиққан бўлиб, қуйидаги мазмунга эга: “Доимий яшаш жойидан дам олиш ва саргузашт мақсадида камида 24 соатдан 1 йилгача бўлган муддатда чиққан, ҳаракатланишда транспорт воситаси сифатида велосипеддан фойдаланувчи ва велосипедни ўз саргузашти ва саёҳатининг асоси деб ҳисоблайдиган киши велотурист ҳисобланади” дея таърифлаган. Шунингдек, унинг фикрига кўра: “Бу саёҳат мустақил тарзда шакллантирилган ёки қисман ташкиллаштирилган, айрим вақтларда бошқа транспорт турларидан, формал ёки ноформал жойлаштириш хизматларидан фойдаланиш мумкин бўлган сафар ҳисобланади” [10, б.567-582]. Шунингдек, велотурист тушунчасига олимлар Peter Saabye, Birgitte Jorgenson, Derek Robbinsлар ўзларининг “Велотуризм” номли тадқиқот нашрида қуйидагича таъриф берганлар: “Велотурист деб дам олиш вақтларида велосипед ҳайдашни муҳим деб биладиган ва саёҳатлари давомида велосипедларга транспорт воситаси деб қарайдиган исталган миллат вакилларига айтилади”. Улар велотуристларни қуйидаги икки гуруҳга бўлиб ўрганганлар (2-чизма) .



2-чизма. Велотуристларнинг гуруҳларга бўлиниши [11, б.22]

A

- Фақат велосипед ҳайдайди
- Велосипед ҳайдаш таассуротларни бойитиш билан баробар
- Велосипед ягона транспорт воситаси

B

- Гоҳида велосипед ҳайдайди
- Велосипед ҳайдаш таассуротларни бойитишнинг бир йўли
- Велосипед транспорт воситаларидан бири


Чап томондаги А гуруҳи вакиллари учун велосипед таътил ва дам олишни мароқли ўтказишнинг ҳамда транспортнинг ягона воситаси саналади. Ушбу гуруҳ вакиллари учун саёҳат мақсадлари велосипед ҳайдаш саналади. Ўнг томондаги В гуруҳи вакиллари велосипеддан саёҳатларининг бир неча кунинигина ўтказишади, ёки маълум бир ҳудудларни айланишда велосипеддан фойдаланишади.

Тадқиқот методологияси

Ўзбекистонда велотуризмнинг ривожланиш ҳолати, велотурлар учун мамлакатимизда туризм инфратузилмасини шакллантириш ҳамда янги туристик маршрут – веломаршрутларни яратиш бўйича муаллиф томонидан аҳоли ўртасида онлайн ижтимоий сўровнома ўтказилган. Онлайн ижтимоий сўровнома 3 та қисм ва 20 та саволдан таркиб топган. 1-қисмда респондентлар ҳақида умумий маълумот (ёши, жинси ва ҳ.к.лар), 2-қисмда саёҳат мотивлари, кимлар билан саёҳат қилишни хоҳлашлари, 3-қисм – Асосий қисмда эса мамлакатимизда велотуризмни ривожлантириш истиқболларига доир саволлар келтирилган. Ушбу онлайн ижтимоий сўровнома 1000 та респондентлар томонидан тўлдирилган бўлиб, барча жавоблар таҳлил қилиб чиқилган.

Мазкур ижтимоий сўровномадаги биринчи саволда респондентларнинг ёш тоифаси сўралган. 1-диаграммадан кўришиб турибдики, 19-25 ёш тоифасидаги кишилар респондентларнинг энг катта қисмини – 75 фоизини ташкил этган. Ундан кейинги ўринда эса 16 фоиз билан 25-40 ёшлилар, сўнгра эса 18 ёшлилар ҳамда 40 ёшдан юқори бўлган кишилар ўрин эгаллаган. Шунингдек, ижтимоий сўровномада қатнашган респондентларнинг 54 фоизини эркеклар, 46 фоизини эса аёллар ташкил этган.


Сўровноманинг кейинги саволларидан бирида респондентлардан кимлар билан саёҳат қилишни хоҳлашлари сўралган. Ушбу саволга уларнинг 60 фоизи ўз оилалари билан, 54 фоизи тенгдошлар, дўстлар ва ўртоқлар билан, 16 фоизи эса синфдошлар ва гуруҳдошлар билан саёҳат қилишни маъқул кўришлари айtilган (1-диаграмма).



1-диаграмма. “Кимлар билан саёҳат қилишни хоҳлайсиз?” деган саволга респондентларнинг берган жавоблари*

**Изоҳ: Респондентларга жавоб вариантларидан бир нечтасини танлаш имконияти берилганлига сабаб, жавобларнинг умумий фоизи 100 фоиздан кўп*


Асосий қисмда респондентларга “Велосипедда саёҳат қилганмисиз?” деган савол берилган. Мазкур саволга респондентларнинг 64 фоизи “йўқ”, 36 фоизи “ҳа” дея жавоб берганлар. Шунингдек, респондентлардан “Мамлакатимизда велотуризмни ривожлантириш учун биринчи навбатда қайси туризм инфратузилмасини яхшилаш керак деб ҳисоблайсиз?” деган савол сўралганда уларнинг 86 фоизи “Йўл ва транспорт инфратузилмаси”, 30 фоизи “Жойлаштириш корхоналари (узоқ жойларга велосипедда боришда маълум масофаларда)”, 21 фоизи “Интернет, алоқа коммуникациялар, реклама” ҳамда 13 фоизи “Овқатлантириш корхоналари (узоқ жойларга велосипедда боришда маълум масофаларда)” дея жавоб беришган (2-диаграмма).



2-диаграмма. “Мамлакатимизда велотуризмни ривожлантириш учун биринчи навбатда қайси туризм инфратузилмасини яхшилаш керак деб ҳисоблайсиз?” деган саволга респондентларнинг берган жавоблари*

**Изоҳ: Респондентларга жавоб вариантларидан бир нечтасини танлаш имконияти берилганлига сабаб, жавобларнинг умумий фоизи 100 фоиздан кўп*


Респондентлардан “Велосипедда саёҳат қилишнинг қайси турини афзал кўрасиз?” дея сўралган. Шунда респондентларнинг 73 фоизи “Экологик тур (тоғлар, ўрмонлар, миллий парклар, табиат кўриқхоналари ва бошқалар)”, 28 фоизи “Тарихий обидалар, музейлар, қадимий шаҳар қолдиқлари ва шаҳар архитектурасини ўз ичига олган тур” ҳамда 18 фоизи “Гастрономик тур (маълум ҳудуднинг ўзига хос миллий таомини таътиб кўриш учун ташриф буюриш)” деган жавоб вариантларини танлашган (3-диаграмма).



3-диаграмма. “Велосипедда саёҳат қилишнинг қайси турини афзал кўрасиз?” деган саволга респондентларнинг берган жавоблари*

**Изоҳ: Респондентларга жавоб вариантларидан бир нечтасини танлаш имконияти берилганлига сабаб, жавобларнинг умумий фоизи 100 фоиздан кўп*


Сўровноманинг кейинги саволида респондентлардан велосипедда саёҳат қилиш учун нима уларга нималар тўсқинлик қилаётганлиги сўралган. Шунда респондентларнинг 69 фоизи “Барча ҳудудларимизда велоўлақларнинг мавжуд эмаслиги ёки талабга жавоб бермаслиги”, 35 фоизи “Ҳаракатланиш маршрутининг ишлаб чиқилмаганлиги”, 35 фоизи “Вақтнинг етишмаслиги”, 31 фоизи “Хавфсизлик масалалари”, 13 фоизи “Маблағ ажрата олмаслик” ҳамда 11 фоизи “Хоҳишнинг йўқлиги” деган жавоб вариантларини белгилашган (4-диаграмма).



4-диаграмма. Велосипедда саёҳат қилиш учун респондентларга нималар тўсқинлик қилаётганлигининг шкаласи*

**Изоҳ: Респондентларга жавоб вариантларидан бир нечтасини танлаш имконияти берилганлига сабаб, жавобларнинг умумий фоизи 100 фоиздан кўп*

Сўровноманинг кейинги саволида респондентлардан “Агарда велотуризм маршрути шакллантирилган бўлса мамлакатимизнинг қайси вилоятлари бўйлаб велосипедда саёҳат қилишни хоҳлар эдингиз?” деган савол сўралганда уларнинг 40 фоизи Самарқанд, 33 фоизи Бухоро, 26 фоизи Тошкент, 23 фоизи Хоразм, 23 фоизи водий вилоятларини (Фарғона, Наманган, Андижон) танлашган (5-диаграмма).



5-диаграмма. “Агарда велотуризм маршрути шакллантирилган бўлса мамлакатимизнинг қайси вилоятлари бўйлаб велосипедда саёхат қилишни хоҳлар эдингиз?” деган саволга респондентларнинг берган жавоблари

**Изоҳ: Респондентларга жавоб вариантларидан бир нечтасини танлаш имконияти берилганлига сабаб, жавобларнинг умумий фоизи 100 фоиздан кўп*

Сўровнома якунларига кўра, респондентларнинг кўпчилиги мамлакатимизда велотуризмни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, велотуризм инфратузилмасини шакллантириш, ҳудудлар бўйича ҳамда бутун Ўзбекистон бўйлаб велотуризм маршрутини шакллантиришни қўллаб-қувватлаганлар. Шунингдек, велотуристлар учун велотуризм маршрути харитасини ишлаб чиқиш, маълум масофаларда кафе ва ошхоналар, хостеллар, жамоат ҳожатхоналари, тиббий хизматлар, велосипедларни таъмирлаш хизматлари ва бошқа зарурий хизматларни йўлга қўйиш таклифини илгари сурганлар.


Таҳлил ва натижалар

Мамлакатимизда ҳам велотуризмни ривожлантириш ва ҳудудларнинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда жозибадор велотуристтик маршрутлар яратиш муҳим аҳамият касб этади. Бу нафақат чет эллик сайёҳлар ҳамда ёш туристларни мамлакатимизга жалб этиш ва қолиш муддатларини узайтириш, балки ҳудудларда ва ҳудудлараро ички туризмни ривожлантиришга катта ижобий таъсир кўрсатади.

Натижалардан кўриниб турибдики, респондентларнинг энг катта қисми, яъни 40 фоизи агарда велотуризм маршрути шакллантирилган бўлса, Самарқанд вилоятини велосипедда айланиб чиқиш истагини билдиришган. Шундан келиб чиққан ҳолда, муаллиф томонидан Самарқанд вилояти бўйлаб велотуризм маршрути ишлаб чиқилган. Ушбу велотуризм маршрутнинг бошланғич нуқтаси Самарқанд шаҳри ҳамда охириги нуқтаси Булунғур тумани ҳисобланади (1-расм). Самарқанд вилоятидаги туманлар орасидаги масофалар йиғиндиси 562 км.ни ташкил этишини ҳисобга олганда, маршрут давомида велотуристлар жами 800 км.дан кўп масофани босиб ўтадилар ҳамда Самарқанд шаҳри, Каттакўрғон шаҳри, вилоятнинг 14 та тумани ва улардаги 27 та дикқатга сазовор жойлар билан танишиб ўтадилар (1-жадвал).

Велотуристларнинг ёши, ҳаракатланиш тезлиги, дам олиш ва ҳордиқ чиқариши, йўл инфратузилмасини инобатга олган ҳолда 1 км масофани ўртача 12 дақиқада босиб ўтишини ҳисобга оладиган бўлсак, 800 км масофани босиб ўтиш учун 9600 дақиқа ёки 160 соат вақт талаб этилади. Бунинг устига велотуристнинг туристик ресурсларни томоша қилишга сарфлаган вақтини (ҳар битта туристик ресурсга ўртача 15 дақиқа ($27 \cdot 15 = 405$ дақиқа = 7 соат)) қўшадиган бўлсак, унинг жами сарфлаган вақти 167 соатни ташкил этади. Қўшимча тарзда 24 соат ичида велотуристнинг камида 8 соат ухлаши ва овқатланишга ўртача 3 соат сарфлашини ҳисобга олсак, Самарқанд вилоятидаги 14 та туман ва 2 та шаҳарни

велосипедда айланиб чиқиш ҳамда улардаги маълум туристик ресурсларни томоша қилиш учун турист ўрта ҳисобда 10 кун сарфлайди.



1-расм. Самарқанд вилояти бўйлаб ишлаб чиқилган велотуризм маршрутнинг харитаси

Ушбу маршрутнинг амалга оширилиши учун керакли инфратузилма тармоқлари яхшиланса, Самарқанд вилоятининг улкан туристик салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиб, фаол туризм тури ҳисобланадиган велотуризмни ҳудудда ривожлантириш, велотуризмнинг аҳамиятини юксалтириш, Самарқанд вилояти туманларида халқаро ва ички туризмни жадал ривожлантириш орқали маҳаллий аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига ижобий таъсир кўрсатишга эришилади.

1-жадвал

Маршрутда туманлар ва туристик ресурслар бўйича ҳаракатланиш кетма-кетлиги

№	Маршрутда туманлар бўйича ҳаракатланиш кетма-кетлиги	Маршрут таркибига киритилган туристик ресурслар	Кейинги тумангача бўлган масофа* [12]
1	Самарқанд шаҳри	Амир Темур мақбараси, Регистон майдони ва “Мерос” қоғоз фабрикаси	15 км
2	Тайлоқ тумани	Талли ота, Ад-Дорамий ва Банди Кушод зиёратгоҳлари	27 км
3	Ургут тумани	Чор-чинор зиёратгоҳи ва Тешиктош	52 км
4	Самарқанд тумани	Самарқанд ҳукмдорларининг ёзги саройи харобалари, Нодир Девонбеги мадрасаси, Хўжа Аҳрори Валий зиёратгоҳи	32 км
5	Пастдарғом тумани	Қадимий Дарғом канали дам олиш масканлари	55 км

6	Нуробод тумани	Ҷадимий Тим кишлоғидаги 1000 ёшли арча, Араб ота мақбараси, Оқ масжид	107 км
7	Пахтачи тумани	“Добусия” қалъаси харобалари, Пахтачи туман тарихи музейи	27 км
8	Нарпай тумани	Хўжа Карзон ота ва Кўк ота зиёратгоҳлари	34 км
9	Каттақўрғон тумани	Каттақўрғон сув омбори	23 км
	Каттақўрғон шаҳри	Каттақўрғон шаҳар тарихи ўлкашунослик музейи	
10	Иштихон тумани	Иштихон туман тарихи музейи	40 км
11	Қўшробот тумани	Қўчқорли ота зиёратгоҳи ва булоғи	38 км
12	Пайариқ тумани	Имом ал-Бухорий мажмуаси	40 км
13	Оқдарё тумани	Махдуми Аъзам зиёратгоҳи	49 км
14	Жомбой тумани	Зарафшон кўриқхонаси	23 км
15	Булунғур тумани	“Шероз” қалъа харобалари	-**

**Изоҳ: Самарқанд вилояти туманлари орасидаги масофалар бўйича маълумотлар вилоят ҳокимлигининг расмий веб-саҳифасидан олинган.*

***Изоҳ: Булунғур тумани маршрутнинг охири нуқтаси ҳисобланади. Велотурист ўз хоҳишига кўра Жиззах-Сирдарё-Тошкент вилоятларига қараб йўл олиши мумкин.*

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни хулоса қилиш мумкинки, бугун туризмнинг фаол тури ҳисобланмиш велотуризм дунёнинг кўпгина мамлакатларида жадал суръатларда ривожланиб бормоқда ҳамда мамлакат ва ҳудуднинг туристик ресурсларидан самарали фойдаланишга, ҳудудга ташриф буюрувчи маҳаллий ва хорижий туристлар сонининг ошишига, маҳаллий аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ўзининг катта ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда велотуризмни ривожлантириш катта аҳамият касб этади. Ҳозирда мамлакатимизнинг асосий туристик шаҳарлари ҳисобланадиган Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида велотурларни ривожлантириш учун дастлабки қадамлар қўйилган. Жумладан, Самарқанд шаҳрининг марказий қисми, Мустақиллик кўчасида велосипедларни ижарага бериш хизмати (rent a bike) мавжуд бўлиб, хизматдан ҳозирда асосан ёшлар фойдаланишмоқда ва шаҳар бўйлаб велотурларни амалга оширмоқдалар.

Бошқа туристлар каби велотуристлар ҳам маҳаллий аҳоли учун кўшимча даромад манбаи ва ҳудуд инфратузилмаси ривожланишининг асосидир. Маълум бир велотуристлик ҳудуд велотуристларни қизиқтира бошлаши билан, ҳудуднинг молиявий даромади ошаверади. Турли велотуристлик ҳудудлар турлича салоҳиятга эгадирлар. Инвестиция инфратузилманинг қайси тармоғига қараб йўналтирилиши ва ундан қайси мақсадларда фойдаланилишни билиш ҳудуд учун муҳимдир. Тўғри йўналтирилган инвестиция туристлар ташрифи кўпайишига катта ёрдам беради.

Таъкидлаб ўтилганидек, велотуристлар кучли салоҳиятга эга харидорлар бўлиб, маҳаллий аҳоли учун кўшимча даромад манбаидирлар. Уларни айрим ўзига хос жиҳатларини ҳам кўриб ўтиш зарурдир.

- одатда улар кўпчилик бўлиб, дўстлар давраси ёки оила бўлиб саёҳат қилишади;
- асосан, ташриф буюрган ҳудуднинг яшаш тарзи ва ҳудуднинг бошқа ҳудудларидан фарқли жиҳатларига эътибор беришади (ҳудуднинг тарихан шаклланиши, мавжуд музейлар ва улардаги экспонатлар, вино ертўлалари, фермалар, санъар галереялари, миллий ресторанлар, табиат гўзаллиги ва дам олишнинг ноодатий турлари);

- велотуристлар ҳам истеъмолчидирлар. уларнинг кўпчилиги меҳмонхона ёки хостелларда тунашни (чодир тиклаб тунни ўтказадиган велотуристлар таркиби ҳам мавжуд) ва йўл бўйидаги маҳаллий ресторанларда овқатланишни хоҳлайдилар.

- кўпчилик велотуристлар гид хизмати мавжуд бўлган гуруҳли турларни афзал кўришади. бундай туристлар туристик компаниялар ва турагентликлар томонидан тақдим этиладиган турлардан фойдаланадилар.

▪ велотуристлар ҳудудга ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмайдилар. Автомашиналардан фарқли ўларок, улар велойўлакларда ҳаракатланадилар, тирбандликни юзага келтирмайдилар, тўхташ шаҳобчалари учун катта жой эгалламайдилар, инфратузилмага зарар етказмайдилар, шовқинга ва атмосфера ифлосланишига сабабчи бўлмайдилар;

▪ ҳудуднинг тарихий, маданий, табиий жиҳатларига қизиққанликлари боис, маҳаллий аҳолининг ўзига хослигини сақлашга кўмаклашадилар. Дикқатга сазовор жойларда бўлиш учун пул тўлашлари, миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини сотиб олишлари билан улар тўғридан-тўғри ҳудуд миллийлигини сақлаб қолишга ҳисса кўшадилар. маданий ва табиий ҳолатда сақланган жойлар ҳудудда қанчалик кўп бўлса, туристлар ташрифи сони ҳам шунчалик кўпаяди.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда велотуризмни ривожлантиришнинг ҳудуд, минтақа ва маҳаллий аҳоли учун қуйидаги ижобий жиҳатлари мавжуд:

➤ велотуризм ҳудуд меҳмондўстлик секторида мавжуд бўлган маҳаллий савдони кўллаб қувватлайди ва янги бизнес имкониятларини очади (мисол учун, велосипедларни ижарага бериш хизмати);

➤ велотуризм сайёҳларни ҳудудга ташриф буюришига стимул бўлиб хизмат қилади ва ҳудудга кўпроқ қолувчи ва сарфловчи янги туристик сегментни жалб қилади;

➤ велотуризм барқарор туризм тури бўлиб, табиий муҳитга салбий таъсир кўрсатмайди ва йўл тирбандлигининг олдини олади;

➤ велотуризм ҳудудларда мавжуд бўлган аммо бориш учун инфратузилма шакллантирилмаган жозибатор туристик ресурсларни (кўл, ўрмон, дарё ва ҳ.к.лар) кўриш имкониятини беради ва ҳ.к.лар.

Ҳудудларда велотуризмни ривожлантиришнинг долзарблигидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифларни бериш мумкин:

➤ ҳудудларда мавжуд бўлган туристик ресурсларнинг тўлиқ рўйхатини шакллантириш ва туристик ресурсларга олиб борадиган йўл инфратузилмасини яхшилаш ҳамда йўл ёқаларида овқатлантириш, жойлаштириш хизматларини ташкил этиш;

➤ велотуризм учун махсус велосипедларни ижарага бериш хизматини ташкил этиш ҳамда GPS ва QR код билан таъминланган велосипед ижараларини ташкил этадиган умумий корхона фаолиятини йўлга қўйиш, фойдаланувчиларга велосипедларни Ўзбекистоннинг исталган шаҳрида қолдириб кета олиш имкониятини яратиш;

➤ ҳудудларда велосипедда ҳаракатланиш учун махсус велойўлакларни шакллантириш ва йўлларни йўл белгилари билан таъминлаш, шаҳар ва туманларда велосипедларни сақлаш майдончаларини (парковка) ташкил этиш, велотуризм ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш;

➤ вилоятлараро ҳамда Ўзбекистон бўйлаб велосипедда саёҳат қилиш учун туристик маршрутни шакллантириш, велотуризм учун жозибатор туристик маҳсулотлар яратиш ва велотуризмда хавфсизлик масалаларини ўрганиб чиқиш, халқаро миқёсда ёшлар ва катталар ўртасида турли хил веломусобақалар ва велопойгалар уюштириш ва уларнинг сонини кўпайтириш, велотуризмда реклама фаолиятини кучайтириш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. UNWTO releases a COVID-19 technical assistance package for tourism recovery, page 1, 12 May 2020. Available at: <https://www.unwto.org/news/unwto-releases-a-covid-19-technical-assistance-package-for-tourism-recovery>
2. WTTC now estimates over 100 million jobs losses in the Travel & Tourism sector – and alerts G20 countries to the scale of the crisis, page 1, 24 April 2020.
3. United National World Tourism Organization (2013), Global Report on Adventure Tourism, AM Reports: Volume nine, UNWTO, Madrid.

4. Munda Bididi Trail Foundation (2005) Cycle Tourism: A New Tourism Market Emerges in Western Australia, Available at: www.mundabiddi.org.au/cycle_tourism/images/cthires.pdf (accessed 4/11/05)
5. The Sustrans, Routes for people. Cycle tourism. Information Pack-TT21. August 1999. Available at: <https://www.funding4sport.co.uk/downloads/cycle-tourism.pdf> (accessed 15/07/2020)
6. EUROPEAN Parliament (2012), Directorate general for internal policies policy department B: Structural and cohesion policies transport and tourism the European cycle route network Eurovelo. Retrieved December 20, 2016, from <http://www.europarl.europa.eu/>
7. Кугушева Алина Николаевна Теоретические аспекты активного туризма // Сервис в России и за рубежом. 2012. №8. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/teoreticheskie-aspekty-aktivnogo-turizma> (дата обращения: 15.07.2020)
8. de Oliveira Neves, Joana Maria y Esperança, José Paulo y (2011), "Bike usage and cycle tourism: the pattern of Portuguese associated bike riders" *Tourism & Management Studies*, Vol. 1, núm., pp.191-200 [Consultado: 19 de Julio de 2020]. ISSN: 2182-8458. Disponible en: Available at: <https://www.redalyc.org/articulo.oa?id=3887/388743867019>
9. South Australian Tourism Commission (2005). Cycle Tourism Strategy 2005-2009. Available at: www.tourism.sa.gov.au/tourism/plan/cycle_tourism_strategy.pdf (accessed 4/7/06)
10. Ritchie, B.W. (1998) 'Bicycle Tourism in the South Island of New Zealand: planning and management issue', *Tourism Management*, 19 (6). 567-582.
11. Saabye Simonsen, Peter & Robbins, Derek & Jørgensen, Birgitte & Bornholms Forskningscenter & Tourism in the Peripheral Areas of Europe (Research program) 1998, *Cycling tourism*, Research Centre of Bornholm, Nexø. page 22
12. Самарқанд вилояти ҳокимлигининг расмий веб-сайти. https://samarkand.uz/about_region/distances. Киритилган вақти: 14/08/2018, 19:34.